O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.N

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 2 февраль ШАНБА

№ 9 (12.020)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Қишлоқ мулкдорлари



## ҚАҲРАТОНДА ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги сабабли бугунги кунда ер эгалари қишлоқ хўжалигининг бир қатор сердаромад тармоқларида эмин-эркин фаолият юритмоқдалар. Хусусан, айни қиш кунларида ички ва ташқи бозорларни сифатли сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда кўплаб фермер хўжаликлари тасарруфидаги иссиқхоналар ҳиссаси катта бўлаяпти.**

Қибрай туманида «Ўринбой-Меҳри» фермер хўжалигининг асосий фаолият йўналиши иссиқхона шароитида сабзавот етиштиришдир. Жами 6,5 гектарлик ёпиқ майдонда айни вақтда помидор, бодринг ва турли кўкатлар етиштирилаяпти.

– Хўжалигимизда 20 нафар киши доимий иш билан таъминланган, – дейди фермер Ўринбой Юсупов. – Мавсумий юмушлар кўпайганда маҳаллий аҳоли вакилларини ҳам ишга жалб этамиз. Мақсадимиз ўзбек заминида етиштирилаётган сабзавотларни қўшни мамлакатлар бозорларига ҳам чиқаришдир.

**СУРАТДА:** хўжалик ишчиси Гулбаҳор Шодалиева терим пайтида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2008 йил 5-6 февраль кунлари расмий ташриф билан Россияда бўлади.

Учрашувлар чоғида томонлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кеча бўлиб ўтган мажлисида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг 2005-2007 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.**

Мамлакатимизнинг учала минтақасидаги депутатларнинг ишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат парламенти юқори палатасининг бешинчи ялпи мажлисидаги умумдавлат ва минтақавий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишда, мамлакатда ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширишда Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, шунингдек ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлигини тубдан яхшилаш зарурлигига алоҳида урғу берилган дастурий нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилди.

Ушбу масалани ўрганишдан кўзланган асосий мақсад халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз ваколатларини янада тўлақонли амалга оширишларига бевосита амалий ёрдам кўрсатишдан иборат эди.

Мазкур вилоятлардаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари ишларининг таҳлили шуни кўрсатдики, улар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга ошираётирлар.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини режалаштириш яхшиланганлиги натижасида улар томонидан кўриб чиқилаётган, минтақаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар доираси анчагина кенгайган. Жойлардаги сенаторлар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари томонидан фуқароларни қабул қилиш мунтазам асосда йўлга қўйилган, шунингдек сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган масалаларни ҳал этишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ва улардаги доимий комиссияларнинг минтақавий ривожланиш масалаларини ҳал этишдаги фаолиятида самарадорликни ошириш мақсадида шу вилоятлардан сайланган сенаторлар ва мазкур Кенгашларнинг депутатлари олдига аниқ вазифалар қўйилган ҳамда улар муайян туманларга бириктирилган.

Жойлардаги иш аҳволини ўрганишда шу нарса маълум бўлдики, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари томонидан минтақа учун долзарб дастурлар, хусусан "Фермер хўжалигини ривожлантириш", "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш", "Вилоят аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш" дастурлари муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда.

Сирдарё вилоятидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари томонидан минтақа иқтисодиётини ва ижтимоий соҳасини янада ривожлантириш билан боғлиқ тавсиялар ҳамда таклифларни амалга ошириш тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг раиси, шунингдек депутатлар ва сенаторлар томонидан вилоятнинг туман ҳамда шаҳарларида фуқароларни ҳар ҳафта қабул қилиш анъана бўлиб қолди. Аҳолини ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада жонлантириш масалалари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг мажлислари ҳамда Кенгаш сессияларида муҳокама этилмоқда.

Тошкент вилоятидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари минтақанинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда иш олиб бормоқдалар. Жумладан, вилоятдаги халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг аъзолари, сенаторлар ва депутатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда аҳолини ишга жойлаштириш, шаҳарлар, шаҳарчалар ҳамда қишлоқларни ободонлаштириш дастурларини амалга оширишга, шунингдек аҳоли ўртасида спорт ва соғломлаштириш ишларини яхшилашга қаратилган тадбирлар ўтказмоқда. Хусусан, 2006-2007 йилларда Тошкент вилоятида қарийб 80 минг киши ишга жойлаштирилган, 67 та аҳоли пунктида ободонлаштириш ишлари ўтказилган.

Кенгаш шуни ҳам қайд этдики, олиб борилган ишлар натижасида халқ депутатлари Жиззах вилояти, Жиззах шаҳар, Фориш, Зомин, Зарбдор, Мирзачўл, Пахтакор туманлари, Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳар, Оқолтин, Ховос туманлари, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, шунингдек Қибрай, Ўртачирчиқ, Зангиота туманлари Кенгашлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар сезилмоқда.

Шу билан бирга, Кенгаш мажлисида сенаторлар Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги халқ депутатлари айрим туман, шаҳар Кенгашларининг ишидаги мавжуд камчиликлар ҳамда фойдаланилмаётган резервларга эътибор қаратдилар. Шу муносабат билан мазкур минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ устувор масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги доимий комиссияларнинг ташкилий ишлари янада кучайтирилиши муҳим эканлигига алоҳида урғу берилди.

Мажлисда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ва тегишли доимий комиссияларнинг мажлисларида минтақаларни устувор ривожлантириш масалаларини мунтазам равишда муҳокама этиш, қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан назорат олиб бориш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги доимий комиссиялари ишини минтақанинг долзарб масалаларини инобатга олган ҳолда режалаштиришни янада такомиллаштириш, доимий комиссияларнинг қилинган ишлар юзасидан ҳисоботларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг мажлисларида тинглаш зарурлиги ҳақида ҳам таклифлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши муҳокама якунлари асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган тегишли қарор қабул қилди.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги халқ депутатлари вилоят, айрим туман, шаҳар Кенгашлари раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**ЎзА.**

## ЁШ ОИЛАЛАРГА ИМТИЁЗ

**ХАЛҚ банкининг Қибрай тумани бўлими мамлакатимиз Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар ижросига пухта режа асосида ёндошмоқда.**

Чунончи, ўтган йилнинг ўзида 5 оилага уй-жой шароитларини яхшилаш учун 102 миллион сўм имтиёзли кредит йўналтирилди. Яна 23 оила банкнинг 29 миллион сўмлик шундай кредити эвазига рўзғорларининг кам-кўстини бутлаб олишди.

**Ғанишер АЛИЕВ.**

## ХАЙРИЯ ИШЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўқитувчи П. Ковал бетоб бўлиб қолганида ҳамкасблар ҳол-аҳвол сўраб, кўргани киришди. Лекин улар қуруқ келишмади, дори-дармон сотиб олиш учун 56 минг сўм ёрдам пули олиб келишди.

Чирчиқ қурилиш касб-ҳунар коллежида пуллик хизматлар доирасини кенгайтириш ўқувчи ва ходимларни моддий қўллаб-қуватлаш имконини бераётир. Жумладан, кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзандига бирйўла 40 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

2008 йил учун обуна давом этмоқда «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

Фармон ва ижро

## ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

**ИНСОН ҳамиша эзгуликка, фаровон турмушга, маънавий-ахлоқий такомилга интилиб яшайди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу саъй-ҳаракатларга янгича моҳият, кўлам ва жўшқинлик бағишлаб, ҳаётимиз мазмунини, турмушимиз тамойилларини янгилаб, инсон омилини, унинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришни янги даражага кўтарди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар, эришилган натижалар ва амалга оширилаётган ишларда ҳам бунинг тасдиғини кўриш мумкин. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурмат Отабеков билан шу хусусда суҳбатлашдик.**

**– Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Нурмат Соттиниёзович, бу борада вилоятимизда амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.**

– Дарҳақиқат, тизимни изчил ва жадал ислоҳ қилиш бугунги ижобий натижаларга олиб келди. Бу жараёнда «Ислоҳот одамлар манфаати, уларнинг ҳаётини яхшилаш, хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш учун» деган тамойил ўз самараларини кўрсатди.

Маълумки, Давлатимиз раҳбарининг фармонлари асосида 1999-2005 йиллари амалга оширилган давлат дастури соҳани ислоҳ этишда туб бурилиш бошлаб берди. Вилоятимизнинг олис-яқин қишлоқларида энг илғор талаблар даражасида ташкил этилган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими пайдо бўлди. Аҳолига 245 та замонавий врачлик пункти шундай хизмат кўрсата бошлади. Юртбошимиз вилоятимиз меҳнаткашлари вакиллари билан сайловолди учрашувида мамнуният билан таъкидлаганларидек, улар Жаҳон банкининг «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шифохоналаримизда юқори малакали мутахассислар мураккаб ва ноёб операцияларни ҳам муваффақиятли ўтказа бошладилар.

(Давоми 2-бетда).

Кредит уюшмаси —

## ДЕМОКРАТИК МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТ

**КЕЙИНГИ пайтларда мамлакатнинг молиявий институтлари тизимида янгича атама пайдо бўлди. Бу – кредит уюшмаси. Хўш, у қандай молиявий муассаса? У кимларга ва қай йўсинда хизмат кўрсатади? Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бош бошқармасининг банклар фаолиятини тартибга солиш шўъбаси мудири Азамат Жайнаров билан шу мавзуда суҳбатлашдик.**

**– Кредит уюшмаларининг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида унинг хизматидан фойдаланувчиларга мутахассис сифатида нима дея оласиз?**

– Бу саволга жавобни республикамиз банк тизимида давом этаётган ислоҳотлар жараёнидан, яъни юз бераётган ижобий ўзгариш ва янгиланишлардан олиш мумкин. Маълумки, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мезони иқтисодиётни эркинлаштиришдан иборат. Иқтисодиётни эса, банк тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Банк-молия соҳасидаги туб ислоҳотлар молия хизматлари бозорида соғлом рақобатчиликни ривожлантириш учун қулай ва мустаҳкам замин яратади. Соғлом рақобатнинг вужудга келиши эса, табиийки, айрим банк хизмати турларини таклиф этишга ихтисослашадиган, аммо ўзи банк тизимига кирмайдиган турли мақомдаги молиявий муассасаларнинг пайдо бўлишига туртки беради. Таъбир жоиз бўлса, ана шундай нобанк молиявий муассасалардан бири кредит уюшмаларидир.

Демак, кредит уюшмаси юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқли аъзолик асосида тузилган кредит ташкилоти сифатида эътироф этилмоқда.

**– Янглишмасам, қайсидир аллома «Ҳар қандай янгилик аслида, унутилган эскиликдир» деган экан...**

– Тўғри гап. Кредит уюшмалари ҳам бундан мустасно эмас. Айтмоқчиманки, ушбу нобанк молиявий институт бундан чамаси 140-150 йил бурун шаклланиб, бутун дунё миқёсида тараққий этиб, кўплаб давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарор ривожланишида алоҳида ўрин тутиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Вилоят ҳаёти

### ЎҚУВЧИЛАР СТИПЕНДИЯ ОЛИШЯПТИ

**Ота-онасиз, кам таъминланган ва ногирон ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш Оҳангарон шаҳар саноат касб-ҳунар коллежида анъанавий тус олган.**

Хайрия тадбирларида сармоядорлар, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари тобора фаол иштирок этишаётир. Чунончи, Халқ-демократик партиясининг шаҳар кенгаши шу тоифадаги саккиз нафар иқтидорли ўқувчига 5 минг сўмдан стипендия тайинлади.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

### ЯНА БИТТА ЙЎНАЛИШ

**Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда қулайликлар яратиш, янги йўналишлар очиш йўловчи ташиш билан шуғулланувчи уюшмаларнинг устувор вазифасига айланди.**

Янгийўл шаҳридаги «Бизнес-авто-сервис» хусусий корхонаси шу мақсадда «Янгийўл – Қуйлиқ» йўналишида қатновни йўлга қўйди.

Ҳозир бу йўналишда 3 та микроавтобус қатнамоқда. Кейинчалик хусусий транспортлар жалб этилгач, улар сони кўпаяди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

### ИККИ МИНГИНЧИ УЧРАШУВ

**ЎЗБЕКИСТОН мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кўмаги билан интернетда «Паркент тонги» газетасининг махсус сайти пайдо бўлди.**

Яқинда газетанинг 2000-сони муштарийлар қўлига тегди. Шу муносабат билан туман ҳокимлигида муштарийлар, ижодкорлар иштирокида маънавият кечаси уюштирилди. Кечага таниқли санъаткорларнинг дилрабо қўшиқлари файз киритди.

### ЧОТҚОЛДА ҒИШТ ЗАВОДИ

Паркентлик тадбиркор, «Эрмон ҳожи» фермер хўжалиги раҳбари Ёрмон Холмонов туман марказидан анча олисдаги Чотқол қишлоғи ҳудудида ғишт заводи қуриб, ишга туширди. Натижада 40 нафар маҳаллий аҳоли вакили фойдали меҳнатга жалб этилди.

**Тўйчи ДЎСМАТОВ.**

## Спорт Спорт

**2008 ЙИЛ – футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси учун ўта масъулиятли мавсум. Мамлакатимиз бош жамоаси 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионатининг финал қисмига чиқиш учун ўтказилаётган учинчи саралаш босқичида иштирок этади.**



## МУҲИМ УЧРАШУВ ОЛДИДАН

Футболчиларимиз гуруҳ беллашувлари доирасида биринчи расмий учрашувни 6 февраль куни сафарда, Ливан миллий терма жамоасига қарши ўтказади.

Ушбу учрашувга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари учун Туркиянинг Анталья шаҳрида ўқув-машғулот йиғини ташкил этилди. Футболчиларимиз жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик машғулотларидан ташқари, биринчи синов-назорат учрашувида ҳам майдонга тушди.

Беларуснинг "МТЗ-РИПО" жамоаси билан бўлган ўйин ўзбекистонлик чарм тўп усталари устунлигида ўтди. Ҳамюртларимиз рақибларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Терма жамоамизга ғалаба келтирган голларга Россиянинг "Амкар" жамоасида кўрикдан ўтаётган Сервер Жепаров, "Спартак" (Нальчик) ҳужумчиси Марат Бикмаев ва Тошкентнинг "Трактор" жамоаси вакили Павел Соломин муаллифлик қилди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси навбатдаги ўртоқлик учрашувини 2 февраль куни Венгрия чемпиони "Дебрецен"га қарши ўтказади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## ИСТАНБУЛ ШОҲСУПАСИДА

**ТУРКИЯНИНГ Истанбул шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтган "Олтин Гран-при" туркумига кирувчи халқаро турнирда дунёнинг ўн тўрт мамлакатидан келган спортчилар қаторида ҳамюртларимиз ҳам ғолиблик учун куч синашишди.**

Ўзбекистон терма жамоаси вакили Давид Солдадзе ўз вазн тоифасида финалга чиқиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Дилшод Орипов ҳамда Элдор Ҳафизов эса шоҳсупанинг учинчи поғонасини эгаллади.

**ЎзА.**

## КУМУШ МЕДАЛЬ БИЛАН

**ҚАТАР пойтахти Доҳа шаҳрида футбол бўйича Африка, Осиё ва Европа мамлакатлари ёшлар терма жамоалари иштирокида ўтказилган "Дўстлик – 2008" халқаро турнири якунланди.**

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси учинчи ўрин учун ўтказилган беллашувда хитойлик футболчиларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб бронза медални қўлга киритди.

Биринчи ўрин учун ўтказилган финал баҳсида эса Япония ёшлар терма жамоаси Польша футболчиларини 6:1 ҳисобида енгиб, бош соврин соҳиби бўлди.

**ЎзА.**

## ГЎЗАЛЛИКНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан миллий чолғу асбоблари кўргазмаси очилди.**

Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган уста ва ҳунармандлар томонидан ишланган миллий чолғу асбобларига кенг ўрин берилган. Фарғоналик уста Мамасоли Холбековнинг танбур, сато каби чолғулари бежиримлиги, оҳангдорлиги билан ажралиб турса, хоразмлик Ражаббой Мейлиев ишлаган қашқар рубоби, бухоролик уста Кароmat Муқимовнинг соз, тор, танбур каби чолғулари янада мукаммаллиги билан эътиборни жалб этади.

Кўргазмада Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Миллий чолғу" илмий-ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси томонидан тайёрланган чолғуларга ҳам кенг ўрин берилган. Жамоа раҳбари Озода Тошматованинг таъкидлашича, бундай кўргазма юртимиздаги барча созгар усталарни жалб этиш, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш, ишларини атрофлича тарғиб этишда муҳим ўрин тутади.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕК ВА ҲИНД КУЙЛАРИ ЯНГРАДИ

**ЎЗБЕКИСТОН давлат консерваториясида Ҳиндистон Республикаси миллий байрами – Республика кунига бағишланган концерт бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳинд маданият маркази ва Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида юқори технологиялар, иқтисодиёт, савдо, фан-таълим, нефть-газ саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. 2006 йили Тошкент ахборот технологиялари университетида Жавоҳарлаъл Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази очилди.

Тадбирда ўзбек ва ҳинд санъати усталари ижросида куй-қўшиқлар янгради, рақслар намойиш этилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Одамийлик шеваси

# «ҲАҚИҚАТ БОРМИ?»

**дея таҳририятга кириб келган шикоятчининг арзи ҳолини обдон тинглаб, биз ҳам «ўзингизда-чи?» деб сўрамоқчи бўлдиг-у, лекин...**

– Укам ва келиним ота-онамизнинг уйига эгалик қилишиб, тинч яшашга қўйишмаяпти. Опам – Нишонгул ногирон. Укам билан келиним уни роса калтаклашди. Оғир аҳволда касалхонада ётиб чиқди. Шунинг учун укам ва келинимни жазолашларини, қамаб қўйишларини талаб қиламан...

Олмалиқлик Улбўсин Носированинг талаби (мақсади) ана шундай.

У асли оҳангаронлик. Укаси ва келини опаси Нишонгулни таҳқирлаётгани ва унга ҳеч ким ёрдам бермаётганидан нолийди:

– Мен бу ерга ҳақиқат излаб келдим, – дейди у аламзадалик билан. – Бизга ҳеч ким ёрдам бермаяпти...

– Тушунтириброқ сўзланг, кимдан хафасиз? – сўраймиз ундан.

– Укам билан келинимдан. Улар бизни ота-онамнинг уйига сиғдирмай, ўзлари кириб олишган, бизга эса иккитагина хона.

– Сизнингча, ота-онангизнинг уйида укангизнинг ҳаққи йўқми? Қолаверса, аёл киши бировнинг хасми, турмушга чиққандирсиз?

– Э, эрим бор эди, алиментдан қочиб юрибди. Биринчи хотини ва болаларини ҳам ёлчитмаган.

– Мақсадингиз нима ўзи?

– Укам опамни хотини билан қўшилишиб урганлиги учун судга берганман, уни қамаш керак, қаматмагунча қўймайман!

– Ўз жигарингизни-я?

– Э, нима бўпти? Келиним туғмайди, шунда ҳам ажрашмайди, мана олти йил бўлди.

– Қўйинг, ёшлар бирбирини севса, аҳил-тотув яшашса, бунинг нимаси ёмон?!

– Бошқа жойда яшашсин. Ёки ҳовлини иккига бўлсин. Юзини кўрмай.

...Бир қарашда қўлтиқтаёққа суяниб қолган, ачинарли қиёфадаги бу аёл раҳмингизни қўзғатади. Аммо оғзидан чиқаётган сўзлар юракка наштардек ботади. Наҳотки, бир қориндан талашиб тушган жигарбандлар шу қадар меҳрсиз бўлса?!

Шикоятчининг сўзларига қараганда ука ўз опасини уриб, «майдалаб» ташлабди. Шифокорлар эса, укасига «сотилган» эмиш.

Хуллас, ҳақиқатни билиш, вазиятни ойдинлаштириш учун Оҳангарон тумани, Убайд қишлоғига бордик.

– Э, бу оиланинг машмашалари ҳеч тугамаяпти, қўлимиздан келганча ҳаракат қилаяпмиз, – дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Барно Холтўраева. – Ҳар қанча тушунтирмайлик, барибир муросага келтириш қийин бўлаяпти. Аслида бу ҳолат туманимиз шаънига доғ бўлиб тушаяпти. Маҳалла фаолларининг ҳам фикрини тинглаб кўринг.

– Мен бу оила билан кунда-кунора учрашиб тураман, – дейди маҳалла қўмитаси раиси Қаршибой Абдезов. – Ана, қўшнилардан ҳам сўрашингиз мумкин. Тўғри, опа ногирон, шу уйда яшаб келади. Нишонгул Носирова укасининг аввалги турмушидан қолган қизчасини боқиб олган. Шунданми, уйга эгалик қилмоқчи. Ука эса бунга кўнмайди. Яхшими, ёмонми, ишқилиб тракторини ҳайдаб юрибди. Келин ҳам тинмайди. Ўз егуликларини ўзлари томорқада етиштириб, қишликни ғамлаб қўйишган.

– Бу уйда укамнинг ҳаққи йўқ, уни ота-онам қурган, биз опам билан қарашганмиз, – дейди шикоятчи Улбўсин Носирова.

– Биз укаларига бошқа ерга уй солиб ол, ёрдам берайлик десак, «Отамнинг ҳовлисидан кетмайман» деяпти. Бўлмаса, қурилиш материаллари ўзларидан ҳам чиқарди, – дейди Озодлик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдумалик Зулфиқоров.

Хуллас, ортиқча изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Оиланинг қўрғони аслида ҳам заиф устунлардан қурилганга ўхшайди.

– Мен прокурорга ҳам ариза ташлаб қўйганман, – дейди У. Носирова. – Лекин у мен билан учрашишдан ўзини олиб қочаяпти. Агар ундан натижа чиқмаса, яна юқорироқ ташкилотларга бораман. Барибир ҳақиқат мен томонда, укамни, келинимни жазолаш керак.

– Бу опамиз давлатимиз томонидан берилаётган ёрдамлардан, имтиёзлардан фойдаланиб келмоқда. Лекин доимо норози, – дейди Барно Холтўраева. – Ҳозир ҳам жамоатчилик билан уларнинг муаммоларини ҳал қилишга уринаяпмиз. Кўпни кўрган кексаларимизнинг маслаҳатларига қулоқ солишса яхши бўларди. Бу опа-сингилларни қишлоқда ҳамма яхши танийди. Маҳалла маслаҳатчиси Тўхтагул Қуттибоева ҳам бу хонадонга бориб, хабар олиб турибди. Икки ўртада қизчага қийин, ўқишидан қолиб кетяпти. Опа эса: «Укам қамалгандан кейин у ҳовлига бораман» деб синглиси Улбўсинникида яшаб юрибди.

Укани қаматиш учун суд ҳукми керак. Судга эса асосли далиллар, ҳужжатлар ҳавола этилиши лозим. Хонадон эгаларининг айтишича, ўртада талаш бўлаётган уйнинг ҳужжатлари йўқолган.

Ана шунақа гаплар... Ўзларича адолат, ҳақиқат излаб, турли маҳкамаларга шикоят ёзаётган, ҳам ўзлари, ҳам ўзгаларнинг овораи сарсонлигига сабаб бўлаётган «жабрдийда»ларга бирор жўяли гап айтиш учун ҳали кўп оворагарчиликлар бўладиган кўринади. Лекин охир-оқибат эзгулик, инсонийлик, холислик, хуллас ҳақиқат қарор топиши аниқ.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## Шундан кейин

### ШКАФ ТЎЛА ЛИБОС



Дунёда энг кўп либосли аёл рус подшоси Елизавета Петровна бўлиб, унинг 15 мингтадан ортиқ қўйлаги ва уст-бошлари бўлган. Бунинг устига у иккита лиқ тўла сандиқда ипакли матоларни сақлаган.

### ИНСОНДАГИ ЭНГ ОҒИР АЪЗО

Инсондаги энг оғир аъзо теридир. Катталарда унинг вазни 2,7 килограммгача боради. У шунингдек, энг кўп модда ажратувчи аъзо ҳамдир. Шу боис бўлар-бўлмасга қават-қават кийиниш, кўп вақт ювинмай, чўмилмай юриш ярамайди.

### ОБ-ҲАВО ДЎКОНИ



Дунёдаги энг ғаройиб ва ҳозирча ягона бўлиб келаётган дўкон Буюк Британиядаги «Метеорология», яъни «Об-ҳаво» дўконидир.

Ҳайрон бўлманг! Дўкон пештахталарига ўрнатилган Англия харитасидаги синоптик ускуналар об-ҳавонинг ўзгараётганини ҳар соатда аниқ кўрсатиб туради. Юқори малакали мутахассислар «харидор»га об-ҳаво ҳақидаги маълумотларни «сотишади». Ушбу дўкондан бир неча кунлик, ҳафталик, ойлик ва йиллик об-ҳаво маълумотларини «сотиб» олиш мумкин.

### ЁМҒИРСИЗ ЎЛКА



Перу пойтахти Лима шаҳри шундоққина океан ёқасида жойлашган бўлишига қарамай, энг қуруқ, намгарчилик кам бўладиган ҳудудлар сирасига киради. Шаҳар аҳолиси ёмғир нималигини деярли билмайди. Ҳатто, биноларда тарнов-қувурлар ҳам йўқ. Аҳолиси умуман ёмғирпўшдан фойдаланмайди. Лимада йиллик ёғин миқдори 37 миллиметрдан ошмайди.

**Файзулла АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

## Ҳаёт сабоқлари



# ОВЛОҚ ЖОЙДА АЙТИЛГАН «ЖАВОБ»

Айрим «замонавий» қизларнинг йигитлардан олдин севги изҳор қилишини одатий ҳол деб қарашга кўникаётганимиздек, ёшларнинг бир кўришда севиб қолишларига ҳам ажабланмайдиган бўлиб бораяпмиз.

Дилноза Жасурни учратмасидан олдин ҳам уч-тўрт йигитга севги изҳор қилган, дилрози жавобсиз қолса ҳам, ҳеч қачон афсусланмаган. Бу галги севги уни ортиқча қийноққа солмади. Жасурни севиб улгурмасиданоқ, йигит унга «ёрилди». «Мана буни бир кўришдаги севги деса бўлади», ўйлади Дилноза ўзича. Эрталаб танишишга улгурган қиз, туш бўлмасдан изҳори дил эшитди. Кечга бориб, аҳду паймон қилишса ҳам ажабмас.

Аслини олганда Дилноза ёмон қиз эмас. Фақат қийинчилик кўрмай ўсгани учун бироз эркароқ. У ҳаётга енгил қарайди. Шармҳаё, одоб тушунчаларига унчалик эътибор бермайди. Шунинг учун бўлса керак, у жавобсиз қолган севгиси туфайли бирор марта куюнмаган.

Жасур билан Дилнозанинг танишуви ғайриодатий тарзда юз берди. Дарсга кечикиб борганлиги учун домла уни аудиторияга киритмади. Дилноза эса, домладан кечирим сўраш ўрнига, юзини терс бурди-ю, хонадан чиқиб кетди.

Дилноза фаввора ёнида бироз турди-да, энгашиб сув ўйнай бошлади. Сувга қўлини тикқанда узуклари офтоб нурида янада жилвакор бўлиб кўринарди. У ўқишга ясаниб, ҳар куни ҳар хил кийиниб келарди. Бош бармоқларидан бошқасига қаторлаштириб узук тақиб, бўйнию қулоқларини ҳам тилло тақинчоқларсиз қолдирмасди.

Дилноза сув бўйида кўп ўтирмади, тез зерикди. Ҳозир дарсда бўлганида Элёр ёки Улуғбек билан пичирлашиб, ҳиринглашиб ўтирган бўларди. Уни бундай «бахт»дан бенасиб қилгани учун домласидан қаттиқ койинди ва овозини чиқариб: «Сўтак!» деди.

– Луғат бойлигингиздаги бу ноёб сўзлар кимга аталган?

Дилноза анчадан бери уни кузатиб турган жингалак сочли йигитни энди пайқади. Ўзини Жасур деб таништирган бу йигит ўтли нигоҳи билан қизни ўзига жуда тез ром этди.

Икковлашиб йўлка бўйлаб боришаркан, суҳбатлари қизигандан қизиди. Кулгудан ўзини тиймаётган қиз дугоналаридан кўра йигитлар ҳақида кўпроқ гапирар эди. Бу Жасурга эриш туюлмас, аксинча, у ҳам суҳбат мавзусига мос нималарнидир сўзлаб, қизнинг кўнглини топишга уринарди.

Чорраҳадан ўтишаётганида Жасур қизнинг қўлидан маҳкам ушлаб олди ва шу алфозда йўлни кесиб ўтганларидан кейин ҳам узоқ юришди. Дилноза қўлини бўшатмоқчи бўлганда, йигит бунга йўл қўймади. Кейин эса ўзи ҳам буни хоҳламаётганини билдириб қўйди:

– Менга ушлаганини қўйиб юбормайдиган, тишлаган жойини узиб оладиган йигитлар ёқади, – деди Дилноза хандон отиб куларкан.

– Менга эса сизга ўхшаган замонавий қизлар ёқади. Балки ишонмассиз, лекин мен сизни биринчи кўрганимдаёқ яхши кўриб қолганман.

– Бунга анча бўлганми? – шаддодлик қилди қиз ҳам.

– Бу саволга жавобни холис жойда фақат қулоғингизга айтаман, бўптими?

– Келишдик!

Йигитнинг ўктамлигини ўзича тушунган Дилнозага шу топда қаерга, ким билан, нима учун кетаётгани мутлақо аҳамиятсиз эди. У ширин хаёллар оғушида учиб юрарди.

Истироҳат боғининг темир панжара билан тўсилган чет томони йигит айтгандай кимсасиз, киши кўзидан панада эди.

– Тавба, биз келишимизга ўриндиқларни ҳам олиб ташлашибдими? – деди Дилноза ноз қилиб.

– Камбағалга кабоб ҳам овқат деганларидек, бизга манави тўнка ҳам бўлаверади.

Жасур ўзи омонатгина ўтирган жойга қизни ҳам тортди. Дилноза йигитнинг тиззасига қандай қилиб ўтириб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Йигитнинг қучоғида қолган қиз шу топда ундан нима кутаётганини ўйлаб улгурмасиданоқ, Жасурнинг ҳаракатларидан даҳшатга тушди. Йигит ёнидан чиқарган пичоғини қизнинг биқинига тираб, ундан барча тилла тақинчоқларини ечиб беришни талаб қилди. Ранги докадек оқариб кетган Дилноза бирорта сўз айтмай, йигитнинг буйруғига итоат қилди.

– Мана иш битди. Мен кетгунча, шу жойда қимирламай ўтирасан. Акс ҳолда...

Йигитнинг кўзлари даҳшатли ёнарди. У чаққон ҳаракат билан темир панжарадан сакраб ўтди-да:

– Яхши қол, дўндиқча. Сенга: «Тилла вафо қилмайди», дейишмаганмиди? – деди ва саволига жавоб олмаёқ кўздан ғойиб бўлди.

**Аллома АЗИЗОВА.**


**Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги тумандаги "Горняк" ёпиқ акциядорлик жамиятидан туман захирасига қайтарилган жами 208 гектар ер майдонларидаги боғ ва токзорлар бўйича кимошди савдоларини ўтказади.**

**Савдога қуйидаги лойиҳалар қўйилади:**

| № | Лойиҳа рақами | Майдон (Га) | Кўчат тури | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 4 лойиҳа | 11,8 | олма | 4336920 |
| 2 | 5 лойиҳа | 7,2 | олма | 36998225 |
| 3 | 7 лойиҳа | 0,8 | терак | 9791907 |
| 4 | 8 лойиҳа | 10,7 | ўрик, олма | 44045505 |
| 5 | 9 лойиҳа | 14,3 | олма | 39926197 |
| 6 | 13 лойиҳа | 4,6 | ўрик, гилос | 25469863 |
| 7 | 14 лойиҳа | 3,6 | узум | 36830145 |
| 8 | 15 лойиҳа | 6,6 | олма, нок | 25851521 |
| 9 | 16 лойиҳа | 6,1 | олма, шафтоли | 38214480 |
| 10 | 17 лойиҳа | 7,9 | олма, шафтоли | 37211350 |
| 11 | 18 лойиҳа | 7,4 | гилос | 38214480 |
| 12 | 20 лойиҳа | 5 | олма | 6505380 |
| 13 | 22 лойиҳа | 17,8 | олма | 18039443 |
| 14 | 23 лойиҳа | 11,2 | олма | 18852030 |
| 15 | 24 лойиҳа | 13,5 | олма | 80986200 |
| 16 | 25 лойиҳа | 15 | олма | 91109475 |
| 17 | 26 лойиҳа | 7,7 | ўрик | 69843587 |
| 18 | 27 лойиҳа | 7,3 | олма | 8514820 |
| 19 | 28 лойиҳа | 7,9 | олма | 11688000 |
| 20 | 29 лойиҳа | 5 | олма | 41109138 |
| 21 | 30 лойиҳа | 10,4 | олма | 47743410 |
| 22 | 31 лойиҳа | 20,4 | олма | 89084820 |
| | ЖАМИ: | 202,2 | | 820366896 |

Кимошди савдолари 2008 йилнинг 1-2 март кунлари соат 10.00 да туман ҳокимлиги биносида ўтказилади. Талабгор фуқаро ва тадбиркорлардан аризалар туман ҳокимлиги қошидаги деҳқон ва фермерларга ер майдонларини ажратиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

**Маълумот учун телефонлар:** 762-11-15, 762-12-63.


## Кулганга нима етсин

### 2 х 2 = ?

*Махсус мактабга энг машҳур болаларни йиғишди. Математика дарсида ўқитувчи савол берди:*

*– Болалар, икки карра икки неча бўлади?*

*Биринчи бола ўрнидан туриб, қўлини чўнтагига солди, кўзларини қисиб, юқорига қаради-да деди:*

*– Бу архивларда сақланадиган эски савол-ку!?*

*Иккинчи бола афтини буриштирди:*

*– Икки карра икки – маъноси бир хил!*

*Учинчи бола ёнидан уяли телефонини чиқарди:*

*– Хеллоу, Жоржик? Ту бай ту – хау мач?*

*У томондан қандайдир овоз эшитилгач, телефонни ўчириб, деди:*

*– У билмас экан, лекин отасидан сўраб, кейин телефон қилишини айтди.*

### МАТЕМАТИКАНИ ЯХШИ БИЛМАЙМАН

*Анвар она тили дарсида бир жумлада бир нечта хатога йўл қўйди. Ўқитувчиси унга уйга вазифа қилиб ушбу сўзни 50 марта ёзиб келишни топширди.*

*Эртанги куни ўқитувчи Анварнинг ёзувларини текшира туриб, деди:*

*– Анвар, сен бор-йўғи 20 марта ёзиб келибсан. Мен сенга 50 марта ёзишни топширгандим-ку?*

*– Тушунсангиз-чи, мен математикани яхши ўрганмаганман ахир.*


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 233-90-82, 236-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 11166. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.20. 2 3 4 5 6 7 8